

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ МАНБАЛАРИ

Аннотация: Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланиш улар фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, краудфандинг, факторинг, форфейтинг, синдицияли кредитлаш, венчурли молиялаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий манбалари ҳисобланади. Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молиялаштириш, краудфандинг, краудсорсинг, факторинг, форфейтинг, синдицияли кредитлаш, венчурли молиялаштириш.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини 2023 йилгача босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини 27,5 фоиздан 25,5 фоизга тушириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланишни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

В.Газманнинг хулосасига кўра, лизинг корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг истикболли ва самарали шакли ҳисобланади [2].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, тараққий этган мамлакатлар амалиётида компанияларнинг йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаи бўлган синдицияли кредитларнинг аҳамияти юқоридир. Синдицияли кредитларнинг афзалликлари шундаки, биринчидан, банк синдикатига бирлашган тижорат банклари инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун зарур бўлган узоқ муддатли ресурсни шакллантира оладилар; иккинчидан, кредитлаш жараёнидаги рисклар банклар ўртасида тақсимланади; учинчидан, хўжалик юритувчи субъектнинг йирик миқдордаги узоқ муддатли кредитга бўлган эҳтиёжи қондирилади [3].

М.Веселовскийнинг фикрига кўра, краудфандинг молиялаштиришнинг инновацион усули бўлиб, у ҳар хил турдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг қўламли молиявий

ресурсларни жалб қилиш ва молия бозори тузилмаларининг иштирокисиз зарурий пул маблағларини тўплаш имконини беради [4].

А.Рогованинг хулосасига кўра, краудсорсинг – бу товарларни бозорга олиб чиқишнинг менежментдан истеъмолчига аутсорсинг орқали етказиш босқичидир [5].

О.И.Лаврушиннинг хулосасига кўра, факторинг операциялари учун асос бўлиб, банк томонидан мол етказиб берувчи томонидан жўнатилган товарларнинг ҳужжатларини сотиб олиниши ва дебитордан тўлов суммасини ундириш ҳуқуқини банка берилиши ҳисобланади [6].

Ф.Ахмедовнинг хулосасига кўра, анъанавий форфейтингни республикамиз амалиётида қўллаб бўлмаслигининг асосий сабаби шундаки, республикамизда экспортчи ва импортчи корхоналарнинг биронтаси ҳам халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг баҳоларига эга эмас. Шу сабабли, улар томонидан акцептланган тижорат векселларини хорижий банklar сотиб олмайди [7].

Тадқиқот методологияси

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланишни тадқиқ қилишда мавзуга оид адабиётлардаги иқтисодчи олимларнинг фикрлари қиёсий таҳлил қилинган. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида келтирилган устувор йўналишларда берилган вазифалардан фойдаланилган. Тадқиқот жараёнида тизимли солиштирма таҳлил, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, индукция ва дидукция ҳамда анализ ва синтез усулларида фойдаланилган. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг қисқача тавсифи:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаларини тавсифлаб бериш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий манбалари таҳлил қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришда банк кредитлари ва лизингларнинг аҳамиятини ўрганиш;
- республикамизда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ноанъанавий манбалар ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Таҳлил ва натижалар

Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётининг инновацион ривожланиш йўлига ўтганлиги компаниялар ва корпорациялар очик инновацион тармоқлар моделидан фойдаланиш имконини бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур хўжалик юритувчи субъектларни глобал инновацион иқтисодиётга киришига имконият яратмоқда.

Бунга ёрқин мисол қилиб Япониянинг «зайбацу» ва «кейрецу» моделларини келтириш мумкин.

Шунингдек, Жанубий Кореяда ҳам инновацион ривожланишни таъминлаш мақсадида кўп тармоқли миллий корпорациялар ташқил қилинди ва улар узоқ йиллар мобайнида фаолият кўрсатди.

Шуниси аҳамиятлики, давлат мазкур субъектларни молиявий жиҳатдан қўллаб–қувватлаш орқали уларнинг самарали фаолияти юритишига кўмаклашди. Хусусан, давлат томонидан молиявий қўллаб–қувватлашнинг қуйидаги усулларида кенг фойдаланилди:

давлат томонидан мазкур хўжалик юритувчи субъектларга имтиёзли ставкаларда кредитлар беришни ташқил қилиш;

солиқ имтиёзларини қўллаш;

бож имтиёзларини қўллаш;

янги технологияларни сотиб олиш ва жорий қилишга кўмаклашиш;

ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратишга кўмаклашиш.

Тараққий этган мамлакатларда компаниялар ва корпорациялар томонидан амалга оширилаётган инновацияларнинг уч босқичдан иборат эканлигини аниқ кўриш мумкин:

инновацион ғоянинг яратилиши;

ушбу ғоянинг ўзлаштирилиши;
инновацион ғоянинг амалга оширилиши.

Ҳақиқатда мазкур мамлакатларда амалга оширилаётган инновацияларнинг деярли барчаси объектнинг амалдаги ҳолатидан сезиларли даражада яхшиланган ҳолатига ўтказиш имконини беради.

Шу ўринда Хитой тажрибасига мурожаат қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, Хитой XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга асосланган инновацион ривожланиш моделидан фойдаланиб келди. Натижада, Хитой компанияларининг инновацион маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши билан бирга, хорижда яратилган инновацион технологияларни маҳаллийлаштириш жараёни муваффақиятли амалга оширилди. XXI асрнинг бошларига келиб, мазкур амалиётдан фойдаланиш имкониятлари ниҳоясига етди ва Хитой компаниялари ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишни бошлади [8].

Эътироф этиш жоизки, Хитой иқтисодиётининг ўсиши икки муҳим таянчга таянди: мавжуд корхоналарни давлат тасарруфида сақлаб қолиш;
янги компаниялар ташкил этишда хусусий ташаббускорликка кенг йўл бериш.

Давлатни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг инновацион ривожланишини таъминлашдаги ўрни нафақат субъектлар инновацион жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлашда, балки иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани шакллантиришдаги иштирокида ҳам намоён бўлади. Одатда, инфратузилма объектлари паст фойдалилик даражасига эга бўлади. Шу сабабли, компаниялар инфратузилма объектларини молиялаштиришдан манфаатдор эмас. Аммо инфратузилма объектларисиз инновацион жараёнларни муваффақиятли амалга оширишнинг иложи йўқ.

Шуниси характерлики, тараққий этган мамлакатларда хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришда жамоавий инвестициялаш институтлари муҳим ўрин тутди.

Мазкур мамлакатлар амалиётида жамоавий инвестициялаш институтларининг учта гуруҳи мавжудлигини эътироф этиш жоиз: [9]

1. Депозит ташкилотлари.

Депозит ташкилотларига тижорат банклари ва кредит уюшмалари киради ва улар ресурс базасини депозитлар жалб қилиш йўли билан шакллантирадилар.

2. Шартномавий-жамғарма молия институтлари.

Бунга суғурта ташкилотлари ва нодавлат пенсия фондлари киради.

3. Инвестицион молиявий воситачилар.

Ушбу гуруҳга инвестицион банklar, инвестиция фондлари ва компаниялари, пай фондлари киради. Улар молия бозорининг қарз мажбуриятлари ва ҳиссали иштирок каби воситаларидан фойдаланган ҳолда ресурс базасини шакллантирадилар.

Тараққий этган давлатларнинг жамоавий инвестициялаш институтлари фаолиятини ривожланиш борасидаги тажрибаларидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

1. Инвестиция фондларининг кредит ва қарз маблағлари жалб этиш имкониятини халқаро амалиётда қабул қилинган молиявий леверажнинг минимал меъёрий талаблари даражасида кенгайтириш лозим.

Халқаро амалиётда, хусусан, Ғарбий Европа мамлакатларининг амалиётида компанияларнинг, шу жумладан инвестиция фондларининг қарз маблағлари жалб этиш имконияти молиявий левераж коэффиценти бўйича белгиланган минимал меъёрий талаб билан белгиланади.

Молиявий левераж кўрсаткичи компаниянинг ўз маблағларини жами қарз мажбуриятлари суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу кўрсаткич бўйича белгиланган минимал талаб 25 фоизни ташкил этади. Яъни компанияларнинг ўз маблағлари жами қарз мажбуриятларининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Республикамизда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаларидан бири бўлиб, лизинг ҳисобланади.


1-жадвал

Тижорат банклари ва лизинг компанияларининг янги лизинг битимлари, млрд сўм [10]

	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.
Банклар	589	722	256	184	490
Лизинг компаниялари	963	1912	2539	1668	2102

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамиз тижорат банклари томонидан тузилган янги лизинг битимларининг суммаси 2017-2020 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, ушбу кўрсаткич миқдори 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамиз лизинг компаниялари томонидан тузилган янги лизинг битимларининг суммаси 2017-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.



1-расм. Uzbek Leasing International компаниясининг ресурслари таркибида капитал ва жалб қилинган маблағларнинг улуши, фоизда [10]

1-расм маълумотларидан кўринадики, Uzbek Leasing International компаниясининг ресурслари таркибида жалб қилинган маблағларнинг улуши 2018-2021 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда капиталнинг ресурслар ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги таҳрирдаги “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низомига кўра:

*иштирокчи банклар ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, ҳар бир иштирокчи банк синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисидаги келишувда қайд этилган шартлар асосида қарз олувчига ўз банкида белгиланган тартибда алоҳида ссуда ҳисобварағи очади;

*иштирокчи банклар томонидан кредитлашни амалга ошириш кредит шартномасида белгиланган мақсадлар ва муддатларда ҳар бир иштирокчи банк учун белгиланган календарь муддатида қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ссуда ҳисобварағидан нақд пулсиз шаклда тўлаш йўли билан амалга оширилади;

*синдициялаштирилган кредитнинг суммаси ҳар бир иштирокчи банк балансида, унинг томонидан берилган кредит миқдорига тенг улушда акс эттирилади [11].

Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларни синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби қуйидагича бўлади:

синдицияли кредит олувчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка йирик кредит беришни сўраб мурожаат қилганидан кейин, банк кредитлаш учун лозим бўлган стандарт тадбирларни: ўзининг ички кредит сиёсатига мос равишда мижознинг кредитга қобилиятлилиги таҳлилини, бизнес-режаси таҳлилини, кредит қайтарилишини таъминланганлиги таҳлилини ва бошқаларни амалга оширади;

синдициялаштирилган кредитлашни амалга оширишнинг мумкинлиги тўғрисида кредит кўмитаси қарор қабул қилган тақдирда, банк бир вақтнинг ўзида ушбу битимга бошқа банкларни, яъни иштирокчи банкларни жалб этиш ҳамда синдициялаштирилган кредитлаш ташкилотчиси бўлган Етакчи банк сифатида банк синдикатини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилади;

иштирокчи банкларни ушбу битимга жалб этиш ва банк синдикатини ташкил этиш тўғрисида етакчи банк кредит кўмитаси қарор қабул қилинганидан кейин, етакчи банк синдициялаштирилган кредитлашда иштирок этиш хоҳишини билдирган банкларни аниқлайди ва уларга синдикатда қатнашиш таклифи билан бирга тайёрланган қарз олувчи тўғрисидаги ахборотни тақдим этади. Шундан кейин етакчи банк иштирокчи банклар билан инвестиция лойиҳаси бўйича барча кредит ҳужжатларини тақдим этади. Тақдим этилаётган маълумотлар банк сири ҳисобланади;

иштирокчи банклар билан музокаралар бошлангунга қадар етакчи банк томонидан банкнинг ички кредит сиёсати билан белгиланган тартибда кредит пакетини таҳлили асосида барча кредит ҳужжатлари ҳамда иштирокчи банклар ўртасида тузиладиган инвестиция лойиҳасини биргаликда кредитлаш борасидаги ўзаро келишув лойиҳаси тайёрлаб қўйилган бўлиши керак;

йирик инвестиция лойиҳаси учун синдицияли кредит олиш учун, қарз олувчи етакчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кредит буюртмаси;

лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши;

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул тушумлари (пул оқими) тахмини албатта кўрсатилган бизнес-режа;

қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш мақсадида охириги 3 йиллик ҳисобот даври учун тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган бухгалтерия баланси, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзларга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно;

кредит учун тақдим этилаётган таъминот объекти тўғрисидаги маълумот;

таъминот турларидан бири кредитни қайтариш таъминоти сифатида иштирокчи банклар талаб қилаётган суммани қоплаш учун етишмаса, қарз олувчи етакчи банк розилиги билан унинг етишмаётган қисmini қоплаш учун қўшимча равишда белгиланган таъминот турларининг бири ёки бир нечтасини бир-бирини тўлдириши асосида тақдим этиши мумкин;

иштирокчи банклар ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилгандан сўнг, ҳар бир иштирокчи банк синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисидаги келишувда қайд этилган шартлар асосида қарз олувчига ўз банкида белгиланган тартибда алоҳида ссуда ҳисобварағи очади;

иштирокчи банклар томонидан кредитлашни амалга ошириш кредит шартномасида белгиланган мақсадлар ва муддатларда ҳар бир иштирокчи банк учун белгиланган календарь муддатида қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ссуда ҳисобварағидан нақд пулсиз шаклда тўлаш йўли билан амалга оширилади;

синдициялаштирилган кредитнинг суммаси ҳар бир иштирокчи банк балансида, унинг томонидан берилган кредит миқдорига тенг улушда акс эттирилади;

Етакчи банк томонидан қарз олувчининг кредитни қайтариш қобилиятини, берилган кредитдан мақсадли фойдаланиши ва гаров ҳолати ёки кафилнинг молиявий ҳолати бўйича кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида мониторинг амалга оширилади. Ушбу мониторинг иштирокчи банклар талаби асосида, улар иштирокида ёки кредит шартномасида белгиланган тартибда ҳар бир иштирокчи банк томонидан мустақил амалга оширилиши мумкин;

мониторинг жараёнида етакчи банк ва ҳар бир иштирокчи банк томонидан қарздорнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти, унинг томонидан тузилган шартномаларга (буюртмаларга) мувофиқ маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажарилиши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлиги динамикаси, товар-моддий бойликлар захиралари аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши, барча банк ҳисобварақларидаги ҳаракатларни таҳлил қилади ва ушбу кўрсаткичларни қарздорнинг кредит йиғмажилдида умумлаштириб боради.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари ходимларининг етарли даражада назарий билимга ва амалий кўникмагаа эга бўлиши хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини кредитлашни такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банки ходими хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқ баҳолай олиши ва берилган кредитни ишлатилиши устидан сифатли мониторинг ўтказа олиши керак.

Айрим ҳолларда, тижорат банклари ходимларининг билим ва кўникмасининг етарли эмаслиги инвестицион кредитлар бўйича муаммоли кредитларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банкларининг инвестицион кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилаётган омил бўлиб, тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётган шароитда давлат солиқ хизматида солиштириш далолатномасисиз инкассо қўйиш ва солиқ тўловларини аванс тариқасида ундириш ҳуқуқининг берилганлиги тижорат банклари томонидан овердрафт ва контокоррент кредитлари бериш имкониятини деярли йўққа чиқармоқда. Бунинг сабаби шундаки, овердрафт ва контокоррент кредитлари мижоз фаолиятида юз берадиган вақтинчалик пул маблағлари етишмаслиги муаммосини ҳал қилиш мақсадида берилади. Мазкур кредитлар, одатда, таъминотсиз бўлади. Чунки, тижорат банки мижоз фаолиятида қачон ва қанча суммага пул маблағлари етишмовчилиги юзага келишини олдиндан билмайди. Бундай шароитда келгуси даврдаги солиқ тўловларини жорий даврда ундирилиши овердрафт ва контокоррент кредитларини ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолини кучайтиради [12].

Республика иқтисодиёти бўйича амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг асосий қисми тўлов топшириқномаси билан амалга оширилмоқда. Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар орқали амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг жами нақд пулсиз ҳисоб-китоблардаги улуши бир фоизга ҳам етмайди. Мазкур ҳолатлар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланмаганлигини кўрсатади.

Тўлов топшириқномаларининг асосий камчилиги бўлиб, тўловни кафолатланмаганлиги ҳисобланади. Ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўлов суммаси тўлиқ кафолатланган бўлади. Ҳужжатлаштирилган аккредитивларда тўловнинг тўлиқ кафолатланганлиги қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

аккредитивни очган банк (тўловчининг банки) хабар берувчи банкка аккредитив телеграммасини жўнатиши билан тўлов юзасидан кафилга айланади;

ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг қопланганлик шаклида тўлов суммаси тўловчининг жорий ҳисобрақамидан олиниб, алоҳида ҳисобрақамда депонент қилинади.

Аммо ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг чақириб олинadиган шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг сабаби шундаки, чақириб олинadиган аккредитивлар аккредитивни очган банк томонидан исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Тараққий этган мамлакатлар банк амалиётида хужжатлаштирилган аккредитивлардан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, хужжатлаштирилган аккредитивларнинг қуйидаги шакллари ва турларидан кенг фойдаланилмоқда:

чақириб олинмайдиган аккредитив;
тасдиқланмайдиган аккредитив;
қопланмайдиган аккредитив;
стэнд-бай аккредитиви;
револьверли аккредитив;
қизил ҳошияли аккредитив;
кўк ҳошияли аккредитив;
бўлинмайдиган аккредитив [13].

Аммо тараққий этган мамлакатларда қопланадиган аккредитивлар деярли қўлланилмайди. Бу эса, қуйидаги икки сабаб билан изоҳланади:

қопланадиган аккредитивда корхонага тегишли бўлган пул маблағларининг бир қисми унинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолади;

қопланадиган аккредитивда банк учун тўлов rischi мавжуд бўлмаганлиги сабабли тижорат банки катта даромад ола олмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришда уларнинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш муҳим ўрин тутди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо фаолиятини юритишда шартнома баҳосини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Шартнома баҳоси, одатда, товарни сотиб олувчи товарни сотувчига тўлаши лозим бўлган ва маълум бир валютада акс этган пул миқдори бўлиб, ҳозирги даврда шартнома баҳосининг икки тури – қаттиқ ва ўзгарувчан баҳолар кенг қўлланилмоқда.

Қаттиқ баҳо – шартнома тузилаётган пайтда белгилаб қўйилади ва шартнома ижросига қадар ўзгармайди.

Ўзгарувчан баҳо – шартнома тузилаётган пайтда белгилаб қўйилади ва у, товарни етказиб бериш вақтида унинг бозор баҳоси ўзгарган бўлса, ўзгаради.

Одатда, шартномаларда 2-5% даражасида товарнинг шартномавий баҳосидан бозор баҳосини тебранишига йўл қўйилади.


2-жадвал

“Тошкент” фонд биржасида амалга оширилган битимларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича сони ва улуши, 2022 йилнинг 31 декабрь ҳолатига [14]

Иқтисодиёт тармоқлари	битимлар сони	Тармоқларнинг битимлар ҳажмидаги улуши, %
Банклар	26 042	47,94
Саноат	21 247	1,12
Қурилиш	14 628	39,96
Энергетика	4 031	0,41
Суғурта	2 586	1,81
Агросаноат	1 167	4,94
Транспорт	327	0,0
Лизинг	84	0,31
Бошқалар	37	3,25

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, “Тошкент” фонд биржасида тузилган битимларнинг умумий сонидан банклар ва қурилиш компаниялари нисбатан юқори салмоқни эгаллайди, транспорт, лизинг, саноат ва суғурта тармоқлари жуда кичик салмоқни эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, факторинг республикамизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий манбаларидан бири ҳисобланади.



2-расм. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ активларининг умумий ҳажмида факторинг кредитларининг салмоғи, фоизда [15]

2-расм маълумотларидан кўринадики, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ активларининг умумий ҳажмида факторинг кредитларининг салмоғи 2018-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ноанъанавий манбалар ҳисобидан молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

- илғор хориж тажрибаси кўрсатадики, лизинг, краудфандинг, краудсорсинг, факторинг, форфейтинг, синдицияли кредитлаш, венчурли молиялаштириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришнинг ноанъанавий манбалари ҳисобланади;

- республикамиз тижорат банклари томонидан тузилган янги лизинг битимларининг суммаси 2017-2020 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлди, шунингдек, ушбу кўрсаткич миқдори 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган;

- республикамиз лизинг компаниялари томонидан тузилган янги лизинг битимларининг суммаси 2017-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган;

- Uzbek Leasing International компаниясининг ресурслари таркибида жалб қилинган маблағларнинг улушини 2018-2021 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур даврда капиталнинг ресурслар ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади;

- “Тошкент” фонд биржасида тузилган битимларнинг умумий сонидан банклар ва қурилиш компаниялари нисбатан юқори салмоқни эгаллайди, транспорт, лизинг, саноат ва суғурта тармоқлари жуда кичик салмоқни эгаллайди;

- “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ активларининг умумий ҳажмида факторинг кредитларининг салмоғини 2018-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ноанъанавий манбалар ҳисобидан молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Фикримизча, республикамизда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ноанъанавий манбалар ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- краудфандинг ва краудсорсингдан фойдаланишнинг меъёрий-ҳукукий асосларини яратиш лозим;
- форфейтингдан фойдаланиш имкониятини яратиш учун тратталар муомаласини жорий қилиш лозим;
- факторингдан фойдаланиш кўламини кенгайтириш учун, биринчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий ликвидлилик даражасини ошириш керак; иккинчидан, тўлови кечиктириб сотилган товарлар кредитга сотилган деб тан олиниши керак.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Газман В.Д. Лизинг в проектном финансировании//Финансы. – Москва, 2013. – №9. – С. 78-79.
3. Карнаух С.Ю., Григорьева О.М. Корреспондентские отношения и организация синдицированного кредитования//Расчеты и операционная работа в коммерческом банке. 2004. № 11.; Рыкова И.Н. Фисенко Н.В. Формы кредитования реального сектора экономики региона // Финансы и Кредит. № 44 (332). 2008.; Рыкова И.Н., Шаповалов В.А. Развитие банковской системы в условиях рыночных преобразований. Ставрополь. Изд-во СГУ, 2002. С. 80.; Рыкова И. Н, Ремизов Д.С. Формирование эффективного механизма синдицированного кредитования в России//Финансы и Кредит, 2005. № 26.; Рыкова И.Н., Фисенко Н.В. Механизм синдицированного кредитования//Банковское кредитование, 2008. № 4.
4. Веселовский М.Я. Краудфандинг в России: состояние и возможности стимулирования инновационных стартапов // Инновационное развитие экономики. – 2016. – № 2(32). – с. 7-13.
5. Рогова А.В. Краудсорсинг как инструмент социально-экономического развития региона // Современные проблемы науки и образования. 2013. № 5;
6. Деньги, кредит, банки. Учебник. Под ред. Проф. Лаврушина О.И. – М.: КНОРУС, 2009: - С.452.
7. Ахмедов Ф.Х. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога кўрсатадиган хизматларини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. автореф. – Тошкент, 2017. – 47 б.
8. Иванова Н., Данилин И. Антикризисные программы в инновационной сфере//Мировая экономика и международные отношения. – Москва, 2010. – №1. – С. 30-32.
9. Ахмедов Ф.Х. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташқи савдога кўрсатадиган хизматларини такомиллаштириш. И.ф.б. ф.д. ол. уч.тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 20.
10. Uzbek Leasing International компанияси маълумотлари. www.uzbekleasing.uz
11. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки. Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (Янги таҳрири)//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 34-36-сон, 265-модда; 2010 й., 44-45-сон, 399-модда; 2016 й., 49-сон, 564-модда.
12. Бобакулов Т.И. Банклар фаолиятини инновациялар асосида ривожлантиришнинг долзарб масалалари//Ўзбекистон иқтисодиёти инновацион ривожлантиришнинг илмий асослари ва тенденциялари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2016. – Б.85-87.
13. Глориозов А.Г. Михайлов Д.М. Внешнеторговое финансирование и гарантийный бизнес. – М.: Юрайт, 2011. – С. 321-362.
14. Биржевое обозрение за 2022 год. www.uzse.uz.
15. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг баланс маълумотлари. www.sqb.uz.